

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 26 декабрдаги № 282-К-сонли қарори кабул килинди.

Давлат Мулкини ижарага беришни янада тартибга солиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорлари ижросини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 27 ноябрдаги 53-сонли, Молия вазирлигининг 2013 йил 27 ноябрдаги БЮ/03-04-06/127-сонли, Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 27 ноябрдаги 01/14-645-сонли келишув хатлари ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 декабрдаги 04/14-1444-сонли хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2014 йил учун Давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги ставкалари 1-иловага мувофиқ;

бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва ҳисоблаб чиқиш учун қўлланадиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорларига мувофиқ “Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасининг транзит ҳисоб рақамига тушадиган ижара тўлови маблағларининг 50 фоизи маҳаллий бюджет даромадига, 40 фоизи давлат мулкини балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ҳамда 10 фоизи “Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси ихтиёрига йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов) бир ой муддатда давлат мулкини ижарага бериш юзасидан давлат мулкини балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан илгари тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорига асосан давлат мулкини ижара шартномасини тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, фойдаланганлик даври учун ижара тўловини икки баравари миқдорида балансда сақловчидан ундирилади ва қуидагича тақсимланади, 50 фоиз маҳаллий бюджетга, 0 фоизи марказнинг ихтиёрида қолади.

Балансида сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни “Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 декабрдаги 263-К-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

3.Мирзаев

**Самарқанд вилоят ҳокимининг
2013 йил "26" декабрдаги
282-К сонли қарорига
1-илова**

**2014 йил учун Давлат мулки бўлган бино ва ишоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган
ижара ҳақининг энг кам микдордаги ставкалари**

(бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв. м учун)

| T/p | Тармоқ коди | Ижарачиларнинг фаолият тури | 1кв.м учун йиллик энг кам ставка (сўм) |
|---|-------------|--|--|
| Саноат | | | |
| 1 | 11 200 | Иссиклик манбаи | 2800 |
| 2 | 13 100 | Кимё саноати | 2800 |
| 3 | 13 300 | Нефт-кимё саноати | 2800 |
| 4 | 14 100 | Машинасозлик (Асбобсозликсиз) | 2800 |
| 5 | 14 200 | Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати | 2800 |
| 6 | 14 300 | Асбобсозлик | 2800 |
| 7 | 14 400 | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 2250 |
| 8 | 14 500 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик | 2250 |
| 9 | 14 600 | Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маишӣ приборлар ишлаб чиқариш | 2250 |
| 10 | 14710 | Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш | 2800 |
| 11 | 14 800 | Металл конструкция ва буюмлар саноати | 2800 |
| 12 | 14 900 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 2800 |
| 13 | 14 780 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 2800 |
| Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати | | | |
| 14 | 15 100 | Ёғочни тайёрлаш саноати | 2800 |
| 15 | 15 200 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 2800 |
| 16 | 15 300 | Целлюлоза-қоғоз саноати | 2800 |
| 17 | 16 100 | Қурилиш материаллари саноати | 2800 |
| Енгил саноат | | | |
| 18 | 17 100 | Тўқимачилик саноати | 2800 |
| 19 | 17 200 | Тикувчилик саноати | 2800 |

| | | | |
|-----------------------------------|--------|---|----------|
| 20 | 17 300 | Чарм, муйна ва пойафзал саноати | 2800 |
| 21 | 17900 | Енгил саноатнинг бошқа соҳалари | 2800 |
| Озиқ-овқат саноати | | | |
| 22 | 18100 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гүшт, ёғ-пишлок ва сут саноатидан ташқари) | 2800 |
| 23 | 18200 | Гүшт ва сут саноати | 2800 |
| 24 | 18300 | Балиқчилик саноати | 2800 |
| 25 | 19210 | Ун, ёғ ишлаб чиқариш саноати. | 2800 |
| 26 | 19220 | Комбикорм (аралаш озуқа) ишлаб чиқариш | 2250 |
| 27 | 19700 | Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари | 2800 |
| Саноатнинг бошқа соҳалари | | | |
| 28 | 19300 | Табобат саноати | 2800 |
| 29 | 19400 | Нашриёт саноати | 7850 |
| 30 | 19740 | Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш | 3350 |
| 31 | 19900 | Саноат хужалигини бошкариш | 7850 |
| Қишлоқ хўжалиги | | | |
| 32 | 21 100 | Ўсимлиқчилик (иссиқхона)1 га | 1 126000 |
| 33 | 21 200 | Чорвачилик | 1350 |
| 34 | 21 300 | Балиқчилик (в.т.ч питомники) 1га | 1 126000 |
| 35 | 22 200 | Ветеринария хизмати | 2800 |
| 36 | 22 300 | Кишлоқ хужаликгига хизмат курсатувчи ташкилотлар ва корхоналар | 2800 |
| 37 | 30 000 | Урмон хужалиги (боғлар) 1га | 1 126000 |
| Автотранспорт ва алоқа | | | |
| 38 | 51 111 | Темир йўл транспорти жамоа фойдалниши | 2800 |
| 39 | 51121 | Автомобил хўжалиги (автожамланма, таксопарк, автостоянка, гараж ва автомойка) | 2800 |
| 40 | 51 520 | Ахолининг юкларига таrasпорт хизмат курсатиш ва бошқа транспорт хизматлари | 5050 |
| 41 | 52100 | Почта алоқаси | 2800 |
| 42 | 52200 | Курьер (чопар) хизмати | 5600 |
| 43 | 52300 | Электро кабил алоқаси | 5600 |
| 44 | 52300 | Электр ва радио, сотовой алоқаси переметирига тортилган сим ва ва асбоб ускуналари учун | 23650 |
| Қурилиш | | | |
| 45 | 60 000 | Қурилиш | 2800 |
| 46 | 66 000 | Лойиха, лойиха-қидирув ва қидирув ташкилотлари | 2800 |
| Савдо ва умумий овқатланиш | | | |
| 47 | 71100 | Улгуржи савдо | 7850 |
| 48 | 71 130 | Оптовые бозорлар сотиш ва хизмат курсатиш | 20250 |
| 49 | 71 200 | Чакана савдо | 7850 |
| 50 | 71 200 | Китоб савдо | 1000 |
| 51 | 71 300 | Умумовқатланиш | 7850 |
| 52 | 71 400 | Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага | 7850 |

| | | | |
|----|--------|---|--------|
| | | бериш | |
| 53 | 71 500 | Халқ истеъмоли молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати | 12350 |
| 54 | 80 000 | Моддий-техника таъминоти ва сотиш | 7850 |
| 55 | 82 000 | Ахборот-хисоблаш хизмати | 7850 |
| 56 | 82 100 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш | 7850 |
| 57 | 83 000 | Кўчмас мулк операцияси | 7850 |
| 58 | 84 300 | Реклама, ваколатлик хизмати | 7850 |
| 59 | 84 400 | Аудиторлик фаолияти | 7850 |
| 60 | 84 500 | Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати | 7850 |
| 61 | 85 000 | Геология кидирув геологический ва гидрометрология хизмати | 14000 |
| 62 | 87 100 | Таҳририят ва нашриёт | 4500 |
| 63 | 87 300 | Металл чиқиндилари ва чиқинди хомашёларини йигувчи тайёрлов идоралари | 4500 |
| 64 | 90 100 | Туаржой хўжалиги (ТСЖ) | 4500 |
| 65 | 90 220 | Мехмонхоналар хўжалиги | 9000 |
| 66 | 90 300 | Маишӣ хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари | 4500 |
| 67 | 90 300 | Парикмахер, фотосалон, ателье поабзал таъмирлаш | 6750 |
| 68 | 90 300 | Ломбарт | 10100 |
| 69 | 90 300 | Ҳамом | 13500 |
| 70 | 90 300 | Сауна | 27 000 |
| | | Соғлиқни сақлаш. | |
| 71 | 91 510 | Даволаш-профилактика муассасалари | 5600 |
| 72 | 91 600 | Дам олиш ва сайёхлик (туризм) | 5600 |
| 73 | 91 611 | Дам олиш ва ўйин-кулгу тадбирларини ташкил этиш фаолияти (бильярд ўйини автоматлари, диско клублар ва бошқалар) | 9000 |
| 74 | 91 700 | Жисмоний тарбия ва спорт | 2800 |
| 75 | 71 212 | Дорихона муассасалари оптика, савдо дукони медицина асбоб ускуналарини сотиш | 4500 |
| | | Халқ таълими. | |
| 76 | 92 200 | Ишчиларни ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш (укиш курслар) | 4500 |
| 77 | 92 200 | Кадрларни тайёрлаш ва бошқа ишчи ходимларни малакасини ошириш | 3900 |
| 78 | 92 310 | Нодавлат муассасаси мактабгача тарбия | 2250 |
| 79 | 71 300 | Умумий овкатланишни ташкил этиш укув муассасалари учун | 2800 |
| 80 | 92400 | Мактабгача тарбия (нодавлат муассасаси) | 2250 |
| 81 | 93000 | Маданият ва санъат | 7850 |
| 82 | 93132 | Кўргазмалар | 6750 |
| 83 | 93160 | Парк ва дам олиш жойлари | 5600 |